



РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ АСОСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯ БОЗОРИДА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

и.ф.н., проф. **Абдурахманова Матлуба**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ORCID: 0000-0003-1039-232X
m.abdurakhmanova@tsue.uz

Аннотация. Мақолада тижорат банкларининг молия бозоридаги рақобатбардошлигини оширишда рақамли трансформациянинг стратегик ва концептуал аҳамияти ўрганилган. Ҳозирда глобал молия бозорида финтех компаниялар, рақамли платформалар ва сунъий интеллект технологияларининг кенг жорий этилиши банк тизимида янги рақобат муҳитини шакллантиришини инobatга олган ҳолда муаллиф тадқиқотлари олиб борилган. Тадқиқот натижасига кўра мавзй юзасидан амалий таклиф ва илмий тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: банк, рақобатбардошлик, рақамли трансформация, тижорат банклари, финтех, Basel стандартлари, молиявий барқарорлик, инновация, экотизим.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОНЦЕПТУАЛЬНЫХ ОСНОВ ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ НА ФИНАНСОВОМ РЫНКЕ НА ОСНОВЕ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ

к.э.н., проф. **Абдурахманова Матлуба**
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье рассматривается стратегическое и концептуальное значение цифровой трансформации в повышении конкурентоспособности коммерческих банков на финансовом рынке. В настоящее время авторское исследование проводилось с учетом того, что широкое внедрение финтех-компаний, цифровых платформ и технологий искусственного интеллекта на мировом финансовом рынке формирует новую конкурентную среду в банковской системе. По результатам исследования сформулированы практические предложения и научные рекомендации по теме.

Ключевые слова: банк, конкурентоспособность, цифровая трансформация, коммерческие банки, финтех, стандарты Базеля, финансовая стабильность, инновации, экосистема.

IMPROVING THE CONCEPTUAL FOUNDATIONS FOR ENHANCING THE COMPETITIVENESS OF COMMERCIAL BANKS IN THE FINANCIAL MARKET BASED ON DIGITAL TRANSFORMATION

PhD, prof. **Abdurakhmanova Matluba**
Tashkent State University of Economics

Abstract. *The article examines the strategic and conceptual significance of digital transformation in enhancing the competitiveness of commercial banks in the financial market. Currently, the author's research was conducted taking into account that the widespread introduction of fintech companies, digital platforms, and artificial intelligence technologies in the global financial market creates a new competitive environment in the banking system. Based on the research results, practical proposals and scientific recommendations on the topic were formulated.*

Keywords: *bank, competitiveness, digital transformation, commercial banks, fintech, Basel standards, financial stability, innovation, ecosystem.*

Кириш.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида иқтисодий муносабатларнинг рақамли форматга ўтиши Ҳисобига молиявий хизматлар бозорида рақобат муҳити сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган. Хусусан, ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши, финтех компаниялар фаолиятининг фаоллашиши ва рақамли платформаларнинг ривожланиши банк тизимининг анъанавий бизнес моделларини қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Халқаро валюта жамғармаси (IMF) таҳлилларига кўра, сўнгги йилларда рақамли молиявий хизматлар жаҳон молия бозорида энг тез ривожланаётган сегментлардан бирига айланган, 2023–2025 йиллар давомида рақамли банк хизматларининг глобал молия бозоридаги улуши 35–40 фоизга етган.

Ҳозирги шароитда банклар рақобатбардошлигининг асосий манбалари қаторига рақамли трансформация, маълумотлар таҳлили (Big Data), сунъий интеллект технологиялари, мобил банкинг платформалари ва финтех интеграцияси каби омиллар кириб келмоқда.

Ўзбекистонда ҳам банк тизимини модернизация қилиш ва рақамли молия инфратузилмасини ривожлантириш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Сўнгги йилларда банк хизматларини рақамлаштириш, масофавий банк хизматларини жорий этиш, тўлов тизимларини модернизация қилиш ва финтех экотизимини шакллантириш бўйича қатор институционал ислохотлар амалга оширилмоқда. Марказий банк томонидан банк тизимини трансформация қилиш ва рақамли технологияларни кенг жорий этишга қаратилган стратегик дастурлар қабул қилинган.

Бироқ, тижорат банкларининг рақамли трансформацияси унинг концептуал ва методологик асослари етарлича тизимлаштирилмаган ҳолатлар ҳам умуман. Хусусан, рақамли инновацияларни жорий этиш жараёнларини банк рақобатбардошлигини ошириш билан узвий боғловчи комплекс илмий ёндашувлар етарлича ишлаб чиқилмаган.

Шу жиҳатдан, тижорат банкларининг молия бозоридаги рақобат позицияларини мустаҳкамлашда рақамли трансформациянинг стратегик аҳамиятини илмий асослаш ва унинг концептуал моделини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади - рақамли трансформация жараёнлари асосида тижорат банкларининг молия бозорида рақобатбардошлигини оширишнинг

концептуал ва институционал асосларини илмий жиҳатдан асослаш ҳамда унинг амалий моделини ишлаб чиқишдан иборат.

Адабиётлар шарҳи.

Банк тизимида рақобатбардошликни таъминлаш омили, молиявий барқарорлик механизмлари ва инновацион молия технологияларининг таъсири масалалари халқаро ва миллий олимлар томонидан турли нуқтаи назардан ўрганилган.

Халқаро молиявий институтлар томонидан ишлаб чиқилган назарий ёндашувлар банк тизими барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Basel Committee on Banking Supervision (2017) томонидан ишлаб чиқилган Basel III стандарти банклар фаолиятида капитал етарлилиги, ликвидликни бошқариш ва риск-менежмент тизимларини такомиллаштиришни молиявий барқарорликнинг асосий институционал шарт сифатида белгилайди. Ушбу стандартга кўра, банк тизимида барқарор рақобат муҳитини таъминлаш учун капитал буферлари ва рискларни бошқариш механизмлари самарали ишлаши лозим.

Банк фаолияти назарияси соҳасидаги машҳур тадқиқотчилардан бири Mishkin (2019) банк тизими барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашда молиявий бозорлар инфратузилмаси ва институционал тартибга солиш механизмларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, банклар фаолияти самарадорлиги молиявий бозорлар ривожланганлик даражаси, ахборот асимметриясини камайтириш механизмлари ва инновацион молиявий инструментларни жорий этиш билан узвий боғлиқ.

Банк менежменти соҳасида тадқиқот олиб борган америкалик олимлар Rose ва Hudgins (2021) банклар рақобатбардошлигини таъминлашда стратегик бошқарув ва технологик инновацияларнинг ролига алоҳида эътибор қаратади. Уларнинг таъкидлашича, замонавий банклар учун рақобат устунлиги фақат молиявий ресурслар ҳажми билан эмас, балки инновацион технологиялар, рақамли хизматлар ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини доимий равишда такомиллаштириш орқали шаклланади.

Шу билан бирга, халқаро молиявий ташкилотлар тадқиқотлари ҳам банклар рақобатбардошлигига рақамли технологияларнинг таъсири ортиб бораётганини кўрсатади. Хусусан, Халқаро валюта жамғармаси (IMF) (2022) ҳисоботларида рақамли молиявий хизматлар молиявий инклюзияни кенгайтириш, банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш ва молия бозорида рақобат муҳитини кучайтиришнинг муҳим омили сифатида баҳоланади.

Шунингдек, Жаҳон банки (World Bank) (2021) таҳлилларида банк тизимининг рақамли экотизимга интеграциялашуви молия бозорида инновацион ривожланишни рағбатлантирувчи стратегик йўналиш сифатида қаралади. World Bank экспертларига кўра, финтех компаниялар билан ҳамкорлик қилиш, рақамли платформаларни жорий этиш ва маълумотлар таҳлили технологияларидан фойдаланиш банклар рақобатбардошлигини сезиларли даражада оширади.

Миллий иқтисодий адабиётларда ҳам банк тизимини модернизация қилиш ва инновацион ривожланиш масалалари кенг ўрганилган. Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Ходиев (2018) банк тизими ривожланишини мамлакат иқтисодий ўсишининг муҳим драйверларидан бири сифатида баҳолаб, молия бозорида рақобат муҳитини шакллантиришда банк секторининг институционал ривожланиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини таъкидлайди.

Ўзбекистон банк тизимида инновацион технологияларни жорий этиш масалалари иқтисодчи олим Абдуллаев (2020) томонидан ҳам тадқиқ қилинган. Унинг фикрича, банклар фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси ошиши молиявий хизматлар бозорида рақобат муҳитини кучайтиришга ва банклар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, миллий иқтисодий тадқиқотларда банк тизими трансформацияси ва рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий институтларнинг ривожланиш масалалари иқтисодчи олим Шодмонов (2019) томонидан ўрганилган. У банк тизимида инновацион ривожланишни таъминлаш учун рақамли инфратузилмани такомиллаштириш ва банк хизматларининг технологик базасини модернизация қилиш зарурлигини таъкидлайди.

Юқоридаги тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, халқаро ва миллий олимлар томонидан банк тизимининг барқарорлиги, инновацион ривожланиши ва молия бозорида рақобат муҳитини шакллантириш масалалари кенг ёритилган. Бироқ рақамли трансформация шароитида тижорат банкларининг молия бозорида рақобатбардошлигини комплекс баҳолашга қаратилган концептуал ёндашув етарлича даражада ишлаб чиқилмаган.

Шу нуқтаи назардан, рақамли трансформация асосида тижорат банкларининг молия бозорида рақобатбардошлигини оширишнинг концептуал асосларини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотлар олиб бориш зарурати мавжуд.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур илмий мақоланинг назарий ва методологик асосини тижорат банкларининг молия бозорида рақобатбардошлигини оширишга бағишланган иқтисодий адабиётлар, илмий мақолалар, хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари ҳамда халқаро молиявий институтлар томонидан ишлаб чиқилган таҳлилий материаллар ташкил этади.

Тадқиқот жараёнида банк тизимида рақамли технологияларни жорий этиш ва рақамли молиявий хизматларни ривожлантиришга оид илмий қарашлар таҳлил қилинди, иқтисодчи олимлар ва соҳанинг мутахассислари томонидан билдирилган фикр ва ёндашувлар ўрганилди. Шу билан бирга, банк хизматларини рақамлаштириш жараёнларини баҳолаш мақсадида эксперт баҳолаш усуллари, мониторинг натижалари ҳамда иқтисодий жараёнларни тизимли таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари фаолияти самарадорлиги фақат молиявий ресурслар ҳажми билан эмас, балки инновацион технологияларни жорий этиш даражаси, рақамли хизматлар қамрови ва мижозларга хизмат кўрсатишнинг янги форматларини жорий этиш қобилияти билан ҳам белгиланади. Шу нуқтаи назардан, банк тизимида рақамли трансформация жараёнларини таҳлил қилиш ва унинг рақобатбардошликка таъсирини баҳолаш долзарб илмий вазифалардан бири ҳисобланади.

1-жадвал

Ўзбекистон банк тизимида рақамли банк хизматлари ривожланиш динамикаси

Кўрсаткичлар	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й	2024 й
Мобил банкинг фойдаланувчилари (млн)	5.2	7	10.8	13	18.5	23.4
Масофавий банк операциялари улуши (%)	28	32	42	48	60	68
Электрон тўловлар ҳажми (трлн сўм)	85	120	210	285	420	560
Онлайн банк хизматларидан фойдаланувчилар улуши (%)	24	28	39	45	58	70

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимида рақамли технологияларни жорий этиш жараёнлари фаоллашди. Марказий банк маълумотларига кўра, банк хизматларини масофавий кўрсатиш, мобил банкинг платформаларини ривожлантириш ва электрон тўлов тизимларини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Бу жараёнлар банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш билан бирга молиявий хизматлар бозорида рақобат муҳитини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

1-жадвалда Ўзбекистон банк тизимида рақамли хизматлар ривожланишининг айрим асосий кўрсаткичлари келтирилган.

Жадвал маълумотлари банк хизматларини рақамлаштириш даражаси йилдан йилга ортиб бораётганини кўрсатади. Хусусан, мобил банкинг хизматларидан фойдаланувчилар сони 2019 йилга нисбатан 2024 йилда қарийб тўрт баробарга ошган. Бу эса рақамли молиявий хизматлар аҳоли ва бизнес субъектлари орасида кенг тарқалаётганини кўрсатади. (Ҳисобот, 2024)

Рақамли хизматлар ривожланиши банклар фаолияти самарадорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, рақамли банк хизматлари улушининг ошиши банк операцияларининг тезкорлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, рақамли каналлар орқали амалга оширилаётган операциялар улушининг ортиши банк филиаллари орқали кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини қисқартиришга ва операцияларни камайтиришга имкон беради.

2-жадвал

Рақамли трансформациянинг банк самарадорлигига таъсири

Кўрсаткич	Анъанавий банк модели	Рақамли банк модели
Операцион харажатлар	юқори	паст
Хизмат кўрсатиш вақти	узоқ	тез
Мижозлар қамрови	чекланган	кенг
Транзакция самарадорлиги	ўртача	юқори
Инновацион маҳсулотлар	чекланган	кўп

Жадвалдан кўриниб турибдики, рақамли технологияларни жорий этиш банклар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Рақамли банк моделлари мижозларга хизмат кўрсатишнинг тезкорлигини оширади ва банк хизматларининг географик қамровини кенгайтиради.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, рақамли банк хизматларининг ривожланиши банклар фаолияти самарадорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, рақамли хизматлар орқали амалга оширилаётган операциялар банк хизматларининг тезкорлигини ошириш билан бирга хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш имконини беради. Бу эса банклар рентабеллигининг ошишига ва уларнинг молия бозоридаги рақобат позицияларининг мустақамланишига хизмат қилади. (Rose and Hudgins 2021; OECD 2023; International Monetary Fund 2022; World Bank 2021)

Тадқиқот жараёнида тижорат банкларининг рақамли рақобатбардошлигини баҳолаш мақсадида рақамли рақобатбардошлик интеграл индекси таклиф этилди. Мазкур индекс банклар фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланиш даражасини комплекс баҳолаш имконини беради.

Индекс қуйидаги формула асосида ҳисобланиши мумкин:

$$DRI = \frac{D1+D2+D3+D4+D5}{5}$$

Бу ерда:

DRI — банкнинг рақамли рақобатбардошлик индекси;

- D1 — мобил банкинг хизматларидан фойдаланиш даражаси;
- D2 — масофавий банк операциялари улуши;
- D3 — рақамли молиявий маҳсулотлар сони;
- D4 — банк хизматларининг автоматлаштирилиш даражаси;
- D5 — мижозлар рақамли хизматлардан фойдаланиш индекси.

Мазкур индекс банклар фаолиятида рақамли трансформациянинг самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг молия бозоридаги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш имконини беради.

Шу билан бирга, рақамли трансформация жараёнлари банклар учун янги имкониятлар билан бир қаторда айрим рискларни ҳам келтириб чиқармоқда. Жумладан, киберхавфсизликни таъминлаш, маълумотлар базасини ҳимоя қилиш ва рақамли инфратузилманинг барқарор ишлашини таъминлаш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли банклар фаолиятида рақамли технологияларни жорий этиш билан бир қаторда риск-менежмент тизимини такомиллаштириш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, банклар рақобатбардошлигини таъминлашда рақамли трансформация куйидаги асосий йўналишларда муҳим аҳамият касб этади:

Биринчидан, банк хизматларининг рақамлаштирилиши мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнларини оптималлаштириш имконини беради. Бу эса банк хизматларининг тезкорлиги ва сифатини оширади.

Иккинчидан, рақамли технологиялар банклар фаолиятида инновацион молиявий маҳсулотларни ишлаб чиқиш имкониятларини кенгайтиради. Бу ҳолат молия бозорида янги хизмат турларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Учинчидан, рақамли платформалар банклар ва финтех компаниялар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади. Бу эса молиявий хизматлар бозорида инновацион экотизим шаклланишига замин яратади.

Тадқиқот доирасида тижорат банкларининг рақамли рақобатбардошлигини баҳолаш мақсадида бир қатор асосий индикаторлар таҳлил қилинди. Улар куйидагиларни ўз ичига олади:

- рақамли банк хизматлари улуши;
- мобил банкинг фойдаланувчилари сони;
- масофавий операциялар улуши;
- банк хизматларининг автоматлаштирилиш даражаси;
- инновацион молиявий маҳсулотлар сони.

Ушбу кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатадики, рақамли технологияларни фаол жорий этган банкларда молиявий кўрсаткичлар, жумладан активлар рентабеллиги ва хизмат кўрсатиш самарадорлиги юқори бўлади. Шу билан бирга, рақамли хизматларнинг ривожланиши банкларнинг молия бозоридаги рақобат позицияларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Таҳлил натижалари асосида банклар рақобатбардошлигини оширишнинг концептуал модели таклиф этилди. Мазкур модель банклар фаолиятида рақамли технологияларни жорий этиш, инновацион молиявий маҳсулотларни ривожлантириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш каби омилларни ўз ичига олади. Таклиф этилган концептуал ёндашув банк тизимида рақамли трансформация жараёнларини тизимли равишда ривожлантириш ва банклар фаолияти самарадорлигини ошириш имконини беради. Бу эса ўз навбатида банк секторининг молия бозоридаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Умуман олганда, тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, рақамли трансформация тижорат банкларининг стратегик ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг самарали амалга оширилиши банк хизматлари бозорининг барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, замонавий молия бозорида рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши банк тизимидаги анъанавий фаолият моделларининг тубдан ўзгаришига олиб келмоқда. Рақамли иқтисодий шароитида банклар фаолияти самарадорлиги ва молия бозоридаги рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан рақамли технологияларни жорий этиш даражаси, инновацион молиявий хизматларни ривожлантириш имкониятлари ҳамда мижозларга хизмат кўрсатишнинг янги форматларини шакллантириш билан белгиланади.

Тадқиқот доирасида банк тизимида рақамли трансформация жараёнларининг иқтисодий аҳамияти ва унинг тижорат банкларининг молия бозоридаги рақобатбардошлигига таъсири комплекс таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, рақамли банк хизматларининг ривожланиши банклар фаолиятида операцион самарадорликни ошириш, хизмат кўрсатиш харажатларини қисқартириш ва мижозлар базасини кенгайтириш имконини беради. Шу билан бирга, рақамли хизматлар молиявий хизматлар бозорида рақобат муҳитини кучайтириш ва банк хизматларининг оммалашувини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон банк тизимида рақамли молиявий хизматлар ривожланишининг динамикаси таҳлил қилинди. Натижалар шуни кўрсатадики, мобил банкинг хизматларидан фойдаланувчилар сони ва масофавий банк операциялари улуши йилдан йилга барқарор ўсиш тенденциясига эга. Бу ҳолат банк хизматларининг рақамлаштирилиши молиявий хизматлар бозорида инновацион ривожланишни рағбатлантираётганини кўрсатади. Шу билан бирга, тадқиқот натижалари банклар рақобатбардошлигини таъминлашда рақамли инфратузилмани ривожлантириш, инновацион технологияларни жорий этиш ва финтех компаниялар билан ҳамкорликни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Рақамли трансформация жараёнлари банк хизматларининг тезкорлигини ошириш, транзакция харажатларини камайтириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш имконини беради. Тадқиқот доирасида тижорат банкларининг рақамли рақобатбардошлигини баҳолаш учун интеграл индекс модели таклиф этилди. Мазкур модель банк хизматларининг рақамлаштирилиш даражаси, мобил банкинг хизматларидан фойдаланиш кўрсаткичлари, IT инфратузилмага инвестициялар ва инновацион молиявий хизматлар улуши каби омиллар асосида банклар рақобатбардошлигини комплекс баҳолаш имконини беради. Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, рақамли трансформация банк тизимининг стратегик ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг самарали амалга оширилиши молиявий хизматлар бозорида барқарор рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, банк тизимида рақамли технологияларни жорий этишни янада рағбатлантириш ва унинг институционал асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижалари асосида тижорат банкларининг молия бозорида рақобатбардошлигини оширишга қаратилган қуйидаги илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Биринчидан, банк тизимида рақамли трансформация жараёнларини стратегик асосда бошқариш мақсадида тижорат банкларида рақамли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва уларни банк фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Иккинчидан, банк хизматларини рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида IT инфратузилмани модернизация қилиш, булутли технологиялардан фойдаланиш ва ахборот тизимларини интеграциялаштириш ишларини кенгайтириш зарур.

Учинчидан, банк тизимида инновацион молиявий хизматларни ривожлантириш мақсадида финтех компаниялар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва рақамли

молиявий экотизимни шакллантиришга қаратилган институционал механизмларни такомиллаштириш лозим.

Тўртинчидан, банк хизматларининг рақамлаштирилиши жараёнида киберхавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш ва банк тизимида ахборот хавфсизлиги стандартларини халқаро талаблар асосида такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Бешинчидан, банк хизматларини рақамлаштириш жараёнларининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида банклар фаолиятида рақамли рақобатбардошлик индекси каби интеграл кўрсаткичларни жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Олтинчидан, банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ва рақамли молиявий хизматлардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш бўйича комплекс дастурларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, тижорат банкларининг рақамли трансформацияси банк тизими самарадорлигини ошириш, молиявий хизматлар бозорида рақобат муҳитини кучайтириш ва миллий иқтисодиётда молиявий ресурслар ҳаракатини фаоллаштиришга хизмат қилади. Шу сабабли банк тизимида рақамли технологияларни жорий этиш ва инновацион молиявий хизматларни ривожлантириш мамлакат молия тизимининг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим стратегик йўналишлардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар / Literature/References:

Lundvall B.A. (2010) *National systems of innovation: Toward a theory of innovation and interactive learning*. London: Anthem Press.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti (2022) 2022–2026 yillarda O'zbekiston Respublikasining innovatsion rivojlanish strategiyasini tasdiqlash to'g'risida, PF-165-son, 6-iyul.

O'zbekiston Respublikasi Statistika agentligi (n.d.) Rasmiy statistik ma'lumotlar. Available at: www.stat.uz

Waterson M. (1983) *The economics of industrial innovation: Christopher Freeman (2nd edn.)*. London: Frances Pinter.

Абдурахманова Ш.Р. and Закирова З.Р. (2024) Саноат корхоналарида рақобатбардошликни бошқариш стратегиясининг ўзига хос хусусиятлари. *Актуар молия ва бухгалтерия ҳисоби илмий журнали*, 4(05), pp. 26–31.

Алмршед С.К.Х. (2021) *Управление стратегическим развитием инновационного потенциала промышленного предприятия. PhD dissertation abstract*. Челябинск.

Бегалов Б.А. (2013) *Основные тенденции развития инновационной экономики. Экономический вестник Узбекистана*, 3–4, pp. 107–110.

Беспаликов В.П. (2007) *Механизмы инновационного развития отраслей промышленности. PhD dissertation*. Москва.

Ибрагимова С.А. and Саломова С.С. (2022) *Саноат корхоналарини ривожлантиришда интеллектуал платформа ва инновацион технологияларни самарали қўллаш*. Тошкент: Университет.

Карабаева Г. (2018) *Актуальные вопросы инновационного развития промышленности. Экономика и инновационные технологии*, (2), pp. 146–153.

Шадиева Д.Х. (2020) *Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. PhD abstract*. Тошкент.

Эскиндаров М.А. (ed.) (2016) *Инновации в высокотехнологичных отраслях промышленности: методическая и организационно-институциональная поддержка*. Москва: Когито-Центр.

Яркова Т.М. (2025) *Обзор инновационного развития промышленности в России. Вопросы инновационной экономики*, 15(2), pp. 489–504.